



ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ КРЕДИТЛАР БЎЙИЧА ЭХТИМОЛИЙ ЙЎҚОТИШЛАРИ УЧУН РЕЗЕРВЛАРГА СОЛИҚ ТАЪСИРИНИ БАҲОЛАШ

Абдуллаев Зафаржон Алижонович -

Тошкент Давлат Иқтисодий университетини

“Молия ва бухгалтерия ҳисоби” кафедраси доценти, DSc

https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss1/a4

Аннотация: Ушбу мақолада тижорат банкларида кредитлар бўйича эҳтимолий йўқотишлар учун резервларга фойда солиғи ставкасини таъсири эмпирик таҳлил қилинган. Таҳлил натижасида кредитлар бўйича эҳтимолий йўқотишларга резервлар миқдори ва корпоратив фойда солиғи ставкаси ўртасида юқори даражада ижобий боғлиқлик мавжудлиги аниқланган.

Калит сўзлар: тижорат банки, кредитлар бўйича эҳтимолий йўқотишларга резерв, фойда солиғи, солиқ ставкаси.

ОЦЕНИТЬ НАЛОГОВОЕ ВЛИЯНИЕ РЕЗЕРВОВ НА ВОЗМОЖНЫЕ ПОТЕРИ КОММЕРЧЕСКИХ БАНКОВ ПО КРЕДИТАМ

Абдуллаев Зафаржон Алиджонович -

Ташкентский государственный экономический университет,

доцент кафедры «Финансы и бухгалтерский учет», д.э.н.,

Аннотация: В данной статье проводится эмпирический анализ влияния ставки налога на прибыль на резервы на возможные потери по кредитам в коммерческих банках. Анализ выявил высокую положительную корреляцию между размером резервов и ставкой налога на прибыль организаций на возможные потери по кредитам.

Ключевые слова: коммерческий банк, резерв на возможные потери по ссудам, налог на прибыль, налоговая ставка.

ASSESS THE TAX IMPACT OF RESERVES ON POTENTIAL LOSSES OF COMMERCIAL BANKS ON LOANS

Abdullaev Zafarjon Alijonovich -

Tashkent State University of Economics, Associate

Professor of "Finance and Accounting", DSc,

Abstract: This article provides an empirical analysis of the impact of the income tax rate on reserves on possible losses on loans in commercial banks. The analysis revealed a high positive correlation between the amount of reserves for possible losses on loans and the corporate income tax rate.

Key words: commercial bank, loan loss provisions, income tax, tax rate.

Кириш. Тижорат банклари кредит рискин камайтириш мақсадида, асосан, банк кредитлари бўйича қутилаётган зарарни қоплаш учун ёстиқ сифатида маълум миқдорда маблағларни ажратади, бу маблағлар кредитлар бўйича эҳтимолий йўқотишларга резервлар ёки умидсиз қарзлар бўйича резервлар деб аталади. Кредитлар бўйича йўқотишларга резервларнинг баҳоланиши бу банклар томонидан банк кредит портфелидаги қутилаётган эҳтимолий йўқотишларни камайтириш учун қўлланиладиган кредит рискларини бошқариш инструменти ҳисобланади [1].

Кредитлар бўйича эҳтимолий йўқотишлар учун резервларга банк регуляторлари, назорат органлари ва халқаро молиявий ҳисоботлар стандартини ишлаб чиқувчилар томонидан катта эътибор берилмоқда, чунки банкларнинг балансидаги катта ҳажмдаги кредитлар уларнинг иқтисодий шароит ёмонлашувидан юзага келиши мумкин бўлган кредит дефолтига нисбатан

заифлаштиради, бу қарз олувчиларнинг кредитларни қайтариш қобилиятига таъсир қилиши банклардан кредитлар бўйича эҳтимолий йўқотишларга етарли даражада резервларни шакллантиришни талаб этади.

Шу билан бирга, Laeven ва Majnoniларнинг фикрича, турли мамлакатларда банклар томонидан кредитлар бўйича эҳтимолий йўқотишларга резервларни шакллантиришда фарқланишлар ва кредитлар бўйича йўқотишлар қопланишида турли усуллар қўлланишидаги муаммоларни ҳал этмасдан, Базелда белгиланган мақсадларга эришиш имконсиз [2]. Базель IIIда кредитлар бўйича йўқотишларга резервлар тизимида кейинги берилган кредитлар бўйича банк ва молиявий муассасалардан кредитлар самарадорлигини белгиловчи қарздорнинг индивидуал характеристикасига асосланган резервларни шакллантириш талаб қилинади [3].

Иқтисодчи олимлар томонидан амалга оширилган эмпирик таҳлиллар натижасида, ти-

жорат банклари томонидан кредитлар бўйича эҳтимолий йўқотишларга резервлардан солиқ тўлагунча бўлган фойдани регулятори сифатида фойдаланиши, бу айниқса Базель талаблари жорий қилингандан кейинги даврларда янада кучайганлиги аниқланган. Жумладан, Anandagajan ва бошқаларнинг таъкидлашича, Базель келишувлари амалга оширилгандан кейин ҳам банклар кредитлар бўйича эҳтимолий йўқотишларга резервлардан капитал ва фойдани бошқариш учун фойдаланишларида банк бошқарувининг хатти-ҳаракати янада аниқ намоён бўлган[4]. Perez ва бошқалар ҳам банклар томонидан кредитлар бўйича эҳтимолий йўқотишларга резервлар фойдани коррективроқ қилишда фойдаланишларини кўрсатиб ўтишган[5].

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи.

Bouvatier, Lepetit ва Strobелларнинг томонидан Европа банкларининг панел маълумотлари асосида амалга оширган эмпирик таҳлиллари натижасида кредитлар бўйича эҳтимолий йўқотишларга резервлар фойдасини камайтиришда фойдаланишлари мумкинлиги ва ушбу хатти-ҳаракатлар қаттиқ назорат режимлари ёки юқори сифатли ташқи аудит мавжуд бўлган мамлакатларда камроқ намоён бўлиши аниқланган[9]. Шунингдек, Skafa фикрича, кредитлар бўйича эҳтимолий йўқотишларга резервлардан банклар ўз даромад оқимларини назорат қилишда фойдаланиш бўйича кучли эмпирик далиллар мавжуд[10].

Таҳлил натижаларига кўра, банклар даромад жуда юқори ва кутилаётган дивиденд миқдори жорий даромадлардан паст бўлган ҳолатда кредитлар бўйича йўқотишларга резервлардан юқори даромаднинг даражаси ва ўзгарувчанлигини паст даражада ушлаб туриш учун фойдаланиши аниқланган[11]. Aristei ва Gallоларнинг таъкидлашича эса, кредитлар бўйича эҳтимолий йўқотишларга резервлар миқдорининг ўсишига нафақат банклар дуч келадиган юқори кредит рисклари таъсир қилади, балки даромадни бошқариш тенденцияси ҳам мавжуд[12].

Billings ва Musazilar томонидан 1990-2004 йиллар даврида йирик бўлмаган 300 та тижорат банкларининг фойдаси ва кредитлар бўйича эҳтимолий йўқотишларга резервлар тўғрисидаги маълумотлар асосида банкларнинг хулқатворига солиқларнинг таъсири баҳоланган. Таҳлил натижаларида маржинал солиқ ставкаси паст бўлганда банклар кредитлар бўйича эҳтимолий йўқотишларга резервлар миқдорини камайтиришлари аниқланган, чунки резервлар банк даромадида катта улушни ташкил этади[13]. Бундан ташқари, Bushman ва Williamsларнинг 27 та мамлакатдаги банкларнинг молиявий ҳисоботларидан олинган маълумотлар (кредитлар бўйича эҳтимолий йўқотишларга

резервлар, кредитлар бўйича йўқотишларга резервлар чегирилгунга қадар фойда, қопланмаган кредитларнинг умумий суммаси, умумий активлар ва бошқа ўзгарувчилар сифатида олинган кўрсаткичлар) асосида олиб борилган эмпирик таҳлиллар натижасида фойдани текисловчи шаклидаги дискрецион резервлар рискка нисбатан интизомни заифлаштириши ва бу ташқи мониторингни таъминловчи шаффоликнинг пасайишига олиб келиши мумкинлиги аниқланган[14].

Andries, Gallemore ва Jacobлар томонидан мамлакатлараро 2001-2013 йиллардаги корпоратив фойда солиғининг ўртача ставкалари ва кредитлар бўйича йўқотишларга резервлар учун солиқ чегирмалари тўғрисидаги маълумотлардан кредитлар бўйича йўқотишларни ҳисобга олган ҳолда корпоратив солиқ тизимининг банк молиявий ҳисоботига таъсири таҳлил этилган. Таҳлил натижасида кредитлар бўйича йўқотишлар учун резервларнинг умумий суммасига солиқ чегирмалари кўзда тутилган мамлакатларда резерв миқдорининг солиқ ставкаси даражасида ўсиши аниқланган. Агарда умумий резервларга нисбатан солиқ чегирмалари мавжуд бўлса, корпоратив даромад солиғи ставкасининг 1 % кўтарилиши резервлар миқдорининг ўртача 4,9 %га ўсишига олиб келиши мумкин[15].

Шунингдек, корпоратив фойда солиғи тизимининг кредитлар бўйича эҳтимолий йўқотишлар учун резервга таъсирини ҳар хил мамлакатларда турлича бўлиши кўрсатиб ўтилган. Биринчидан, корпоратив фойда солиғи тизимининг таъсири кучли бўлган мамлакатларда тартибга солувчи органлар нисбатан паст назорат ваколатига эга эканлиги кузатилган бўлиб, корпоратив солиқ тизимида йўқотишлар учун резервларни рағбатлантириш банк назорат органларининг ўрнини босиши мумкинлиги таъкидлаб ўтилган. Иккинчидан, солиқ декларацияларининг мувофиқлиги юқори бўлган мамлакатларда солиқ тизимининг резервларга таъсири кучлироқ бўлиши кузатилган[6].

Ниҳоят, солиқ тизимининг кредитлар бўйича йўқотишлар учун резервларни шакллантиришга таъсири тижорат банклари учун бошқа оқибатларни келтириб чиқариши мумкин. Масалан, АҚШ банкларининг 2001-2013 йиллардаги маълумотлари ўрганиб чиқилганда, резервларга солиқ чегирмалари бўйича чекловлар сабабли, кўпгина банкларда активлар миқдорининг ўсиши 500 млн. АҚШ доллари чегарасидан ошмаганлиги кузатилган. Бу шуни кўрсатадики, корпоратив солиқ тизими банк активлари миқдорини маълум чегарада бўлишига аниқ таъсир этиши мумкин. Шунингдек, Gallemore томонидан 2007-2009 йилларда молиявий инқироз

даврида АҚШ банкларини ўрганиш асосида, кредитлар бўйича йўқотишлар тан олинишининг кечиктирилиши билан тартибга солувчи органларнинг аралашувлари эҳтимоллиги ўртасида салбий боғланиш мавжудлиги аниқланган[8]. Абдуллаев томонидан “Қишлоқ қурилиш” банкининг 42 та филиаллари кесимида амалга оширилган эмпирик таҳлил натижасига кўра, фойда солиғи ставкасининг 1 %га ошиши ва кредитлар бўйича эҳтимолий йўқотишларга резервлар миқдорининг ўртача 3,9 %га ўсишига олиб келиши мумкин[6].

Эмпирик таҳлиллар натижасидан келиб чиқиб, хулоса қилиш мумкинки, кредитлар бўйича эҳтимолий йўқотишларга резервлар солиққа тортилмайдиган бўлса, ушбу резервлар миқдори фойда солиғи ставкаси даражасида ўсиши мумкин. Бундан ташқари, тадқиқотлардан чиқарилган хулосаларга кўра, кредитлар бўйича йўқотишлар ўз вақтида тан олинишига нафақат рискларнинг ўсиши, балки корпоратив солиқ тизимининг таъсири муҳим аҳамият касб этади.

Тадқиқот методологияси. Ушбу тадқиқот ишида республикадаги 23 та тижорат банкларининг 2015-2019 йиллардаги молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботидан фойдаланил-

ган ҳолда кредитлар бўйича эҳтимолий йўқотишлар учун резервларга фойда солиғи ва мулкчилик шаклнинг таъсирини баҳолашда регрессион таҳлил амалга оширилган.

Таҳлилда 23 та тижорат банки кесимида (i) 2015-2019 й. (t) давридаги кредитлар бўйича эҳтимолий йўқотишларга резервлар суммаси (LLP) (Y) боғлиқ ўзгарувчи ва фойда солиғи ставкаси (TAX RATE) ҳамда мулкчилик шакли (FORM PROPERTY) давлат улуши мавжуд бўлса 1 га тенг, аксинча ҳолатда 0 га тенг) (X) эркил ўзгарувчилар сифатида олинган.

Тадқиқот натижалари ва таҳлили. Амалдаги солиқ қонунчилигига кўра, тижорат банклари фойдасини солиққа тортишда муаммоли кредитлар бўйича шакллантирилган резервлар чегириладиган харажатлар таркибига киритилган. Солиқ қонунчилигида мазкур резервлар бўйича чегириб ташланганда, уларларнинг корпоратив даромад солиғи ставкаси билан ижобий боғлиқлиги тўғрисидаги асосий гипотезани текшириб кўриш учун Bushman ва Williamsлар томонидан таклиф қилинган кредит бўйича эҳтимолий йўқотишларга резервлар модели вариантга асосланган ҳолда қуйидаги регрессияни баҳолаймиз:

$$LLP_{it} = \beta_0 + \beta_1 TAX RATE_{it} + \beta_2 FORM PROPERTY_{it} + \epsilon_{it} \quad (1)$$

Таҳлилда 23 та тижорат банки кесимида (i) 2015-2019 й. (t) давридаги кредитлар бўйича эҳтимолий йўқотишларга резервлар суммаси (LLP) (Y) боғлиқ ўзгарувчи ва фойда солиғи ставкаси (TAX RATE) ҳамда мулкчилик шакли (FORM PROPERTY), давлат улуши мавжуд бўлса 1 га тенг, аксинча ҳолатда 0 га тенг) (X) эркил ўзгарувчилар сифатида олинган.

Регрессион таҳлил натижасига кўра, кредитлар бўйича эҳтимолий йўқотишлар учун

резервларга фойда солиғи ставкаси ва мулкчилик шакли таъсирларининг статистик аҳамияти юқорилиги аниқланди. Олинган натижаларга асосан ўртача ҳисобда солиқ ставкасининг 1 фоизга кўтарилиши кредитлар бўйича эҳтимолий йўқотишларга шакллантирилган резервлар миқдорининг ўртача 3,6 фоизга ўсишига олиб келиши мумкин (1-жадвал).

1-жадвал

Регрессион таҳлил натижалари

	Lnlip Random effects
TAX RATE	0.133***
	(3.67)
FORM PROPERTY	1.571***
	(2.93)
_cons	-1.145
	(1.55)
N	105
R ²	0.14

Standard errors in parentheses ***p<0.01,**p<0.05,*p<0,1

Бу шуни англатадики, тижорат банклари фойдасини солиққа тортишда кредитлар бўйича эҳтимолий йўқотишларга шакллантирилган резервлар тўлиқ чегириб ташланганда, ушбу резервларнинг миқдори солиқ ставкаси даражаси-

да ўсиши тўғрисидаги асосий гипотеза ўз тасдиғини топди.

Шу билан бирга, мулкчилик шаклининг ҳам кредитлар бўйича эҳтимолий йўқотишлар учун шакллантириладиган резервларга таъси-

рининг статистик аҳамияти юқори бўлиб, давлат улуши мавжуд бўлган банкларда резервлар миқдорининг ўсишига асосий сабаблардан бири сифатида “принципал-агент” муаммосини келтириб ўтиш мумкин. Бун банк бошқарувчиларнинг фойдани максималлаштиришдан манфаатдор бўлмаслиги билан боғлиқ маънавий рискни келтириб чиқаради.

Умумий қилиб айтганда, тижорат банкларнинг кредитлар бўйича эҳтимолий йўқотишларга резервлар корпоратив фойда солиғи ставкасига нисбатан таъсирчан бўлиб, фойда солиғини ҳисоблашда умумий резервлар чегириб ташланганда, кредитлар бўйича йўқотишларга резервлар ва фойда солиғи ставкаси ўртасида юқори даражада ижобий боғлиқлик мавжуд.

Иқтисодчи олимларнинг таъкидлашича, кредитлар бўйича эҳтимолий йўқотишлар учун резервларни шакллантиришга солиқ имтиёзларини берилиши биринчидан, капитал етарлилиги бўйича минимал кўрсаткичга эга бўлишига, назорат органлари эътиборини тортишига, банк бошқарувчилари учун банк фаолиятини тўхтатиш ёки кредитлар беришга чекловлар қўйиш каби салбий оқибатларни келтириб чиқариши мумкин. Иккинчидан, кредитлар бўйича йўқотишларга резервлар баланс фойдани камайтириш орқали тўланадиган дивидендлар миқдорига салбий таъсир этиб, акциялар баҳоси тушиб кетишига олиб келиши мумкин. Учинчидан, умумий резервларга солиқ чегирмалари қўлланилганда, кредит портфелининг rischi фойда солиғи ставкаси билан ижобий боғлиқ бўлади.

Хулоса ва таклифлар. Эмпирик таҳлиллар натижасидан келиб чиқиб, хулоса қилиш мумкинки, фойда солиғига тортишда кредитлар бўйича эҳтимолий йўқотишларга шакллантирилган резервларга чекловлар мавжуд бўлмаганда, ушбу резервлар миқдори фойда солиғи ставкаси даражасида ўсиши мумкин. Тадқиқотлардан чиқарилган асосий хулоса шундан иборатки, кредитлар бўйича йўқотишлар ўз вақтида тан олинишига нафақат рискларнинг ўсиши, балки корпоратив солиқ тизимининг таъсири муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бирга, корпоратив солиқ тизими кредитлар бўйича йўқотишларни ўз вақтида тан олиниши, банк тизимининг шаффофлигига олиб келиши ва банк фаолияти учун тартибга солувчи қоидалар ўрнини босиши мумкин.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, кредитлар бўйича эҳтимолий йўқотишларга резервларни солиққа тортиш тартибини белгилашда қуйидагилар муҳим ҳисобланади:

➤ солиқ солишда кредитлар бўйича эҳтимолий йўқотишлар учун (ҳисобдан чиқариш ёки резервларни шакллантириш) қайси усулнинг қулайлиги;

➤ кредитлар бўйича эҳтимолий йўқотишларга резервлар доираси солиққа тортиш ва тартибга солиш ўртасидаги тўлиқ ёки қисман мувофиқлиги;

➤ кредитлар бўйича эҳтимолий йўқотишлар учун резервларга солиқ чегирмалари қўлланилишида чекловларни ўрнатилиши.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар:

1. Ozili K. P., Outa E. 2017. "Bank Loan Loss Provisions Research: A Review,"MPRA Paper 76495, University Library of Munich, Germany. <https://www.researchgate.net/publication/31730831>.
2. Laeven L. & Majnoni G. 2003. Loan loss provisioning and economic slowdowns: Too much, too late? *Journal of Financial Intermediation*, 12(2), 178e197.
3. Wezel T., Chan Lau J. A. & Columba F. 2012. Dynamic loan loss provisioning: Simulations on effectiveness and guide to implementation. IMF Working Paper, WP/12/110.
4. Anandarajan A., Hasan I. & McCarthy C. 2007. Use of loan loss provisions for capital, earnings management and signalling by Australian banks. *Accounting & Finance*, 47(3), page 357.
5. Perez D., SalPas-Fumas V. & Saurina J. 2008. Earnings and capital management in alternative loan loss provision regulatory regimes. *European Accounting Review*, 17(3), pages 423-445.
6. Абдуллаев З.А. 2019. Корпоратив солиққа тортишнинг банк фаолиятига таъсири: кредитлар бўйича йўқотишларга резервлар. Молия ва банк иши электрон илмий журнали. 6-сон. <http://journal.bfa.uz>.
7. Абдуллаев З.А. Тижорат банклари фаолиятини солиққа тортишни такомиллаштириш //Монография.– Т.: «Молия», 2020. 132 бет.
8. Gallemler John (2020). Bank Financial Reporting Opacity and Regulatory Intervention. Available at SSRN: <https://ssrn.com/abstract=2838541> or <http://dx.doi.org/10.2139/ssrn>.
9. Bouvatier V, Lepetit L & Strobel F (2014). 'Bank income smoothing, ownership concentration and the regulatory environment', *Journal of Banking & Finance*, vol. 41, no. 1, pp. 253-270.
10. Skala Dorota 2015. "Saving on a Rainy Day? Income Smoothing and Procyclicality of Loan-Loss Provisions in Central European Banks," *International Finance*, Wiley Blackwell, vol. 18(1), page 25.
11. Norden L. & Stoian A. (2013). Bank earnings management through loan loss provisions: A double-edged sword?. DNB Working Paper, No. 404. https://papers.ssrn.com/sol3/papers.cfm?abstract_id=2369798.
12. Aristei D. & Gallo M. (2019). Loan loss provisioning by Italian banks: Managerial discretion, relationship banking, functional distance, and bank risk. *International Review of Economics and Finance*, 60, 238.
13. Billings B. Anthony & Musazi Buagu. 2008. "The effect of taxes on small banks' loan loss provisions," *American Journal of Finance and Accounting*, Inderscience Enterprises Ltd, vol. 1(1), pages 69-86.
14. Bushman R. M. and C. D. Williams 2012. Accounting Discretion, Loan Loss Provisioning, and Discipline of Banks' Risk-Taking. *Journal of Accounting and Economics* 54 (1):1-18.
15. Andries K., Gallemler J., Jacob M. 2017. The effect of corporate taxation on bank transparency: Evidence from loan loss provisions *Journal of Accounting and Economics*, volume 63, issue 2-3, p. 313-326.